



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 13 » aprel

№ 209

Toshkent sh.

Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартибини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни кўллаб-куватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларни кўллаб-куватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш, ариза бериш ва уни кўриб чиқишни, компенсация пулинин тўлашни назарда тутувчи **Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб беришнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;**

Имтиҳон топшириш харажати компенсация қилинадиган халқаро имтиҳон тизимлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ушбу қарорга 2-иловада кўрсатилган имтиҳон турларидан юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб беради;

мазкур қарорга 2-илованинг 1–5-бандларидаги имтиҳон турларидан мазкур қарор кучга киргандан сўнг юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатлари (кейинги ўринларда – имтиҳон топшириш харажатлари) 2021 йил 1 майдан бошлаб, 6–18-бандларидаги имтиҳон турларидан юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатлари 2022 йил 1 январдан бошлаб (шу жумладан, ушбу санага қадар

топширилган имтиҳон турларидан юқори балл (даражаси) олган ёшларга ушбу қарорга 1-иловада белгиланган тартибда қоплаб берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги:

а) 2021 йил 1 майга қадар:

давлат хизматини кўрсатиш учун зарур ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг намунавий шакллари, бланкалари ишлаб чиқилишини таъминласин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда – Давлат хизматлари агентлиги) билан келишган ҳолда тасдиқласин;

Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портала (кейинги ўринларда – ЯИДХП) электрон давлат хизматини жорий қилиш бўйича техник ҳужжатни ишлаб чиқсин, келишиш ва тасдиқлаш учун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига киритсан;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ариза берувчилар тақдим этадиган ҳужжатларнинг автоматик равишда белгиланган мезонларга мос келишини аниқловчи ва маълумотларни сараловчи, шунингдек, ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш имконини берувчи хизматни ишга туширсан, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идораларнинг ЯИДХПга уланишини ва ахборот тизимларининг ўзаро интеграция қилинишини таъминласин;

б) 2021 йил 1 майдан бошлаб Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда давлат хизматлари марказларининг ходимлари иштироқида ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентни амалда қўллашнинг самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўқув семинарлари ўтказилишини таъминласин;

в) бир ой муддатда халқаро имтиҳон тизимларини ташкил этишга ваколатли хорижий ташкилотлар ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган ваколатли вакиллари реестрини шакллантирсан;

г) халқаро имтиҳон тизимларини ташкил этишга ваколатли хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида тегишли имтиҳон топшириш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида эълон қиласин ҳамда доимий равишда янгилаб борсан;

д) 2021 йил 31 декабрга қадар халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даражаси) олганлик учун имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш бўйича ёшларнинг талабини ўрганиб чиқиб, заруратга кўра, ушбу қарорни такомиллаштириш юзасидан таклиф киритсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги уч ой муддатда Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ҳисобидан имтиҳон топшириш харажатини компенсация қилиш ҳақида ариза берувчиларнинг электрон реестри ахборот тизимини яратсин ҳамда уни кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш чораларини кўрсинг.

Белгилансинки, Ёшлар ишлари агентлиги ушбу ахборот тизимининг эгаси ва фойдаланувчиси ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлари вазирлиги бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идораларнинг мурожаатига асосан уларнинг халқаро имтиҳон тизимлари бўйича имтиҳон ташкил этишга масъул хорижий ваколатли ташкилотлар билан мазкур қарор доирасида ҳамкорлик ўрнатишларига ҳамда ушбу ташкилотлар билан ахборот алмашинувларини амалга оширишга кўмаклашсан.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “13” апрелдаги 209-сон қарорига
1-илова

**Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) олган
ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб беришнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – имтиҳон топшириш пайтида ўттиз бир ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган, имтиҳон топшириш харажатини компенсация қилишни сўраб белгиланган тартибда мурожаат қилган жисмоний шахс (ўн олти ёшга тўлмаган шахс номидан мурожаат қилган унинг қонуний вакили);

имтиҳон топшириш харажати – имтиҳонни ташкил этиш ваколатига эга хорижий ташкилотлар томонидан белгиланган Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи расмий тўлов миқдори;

имтиҳон харажатини қоплаб берувчи – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги;

компенсация – имтиҳон топшириш харажатини қоплаб берувчи томонидан ариза берувчига қоплаб бериладиган, масъул ваколатли хорижий ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси учун белгиланган имтиҳон топшириш харажати суммаси (мазкур компенсация масъул ваколатли хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги ваколатли вакили томонидан белгиланадиган имтиҳон топшириш билан боғлик қўшимча тўловларни ўз ичига олмайди);

масъул ваколатли ташкилот – имтиҳонни ташкил этишга ваколатли хорижий ташкилот ёки унинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги ваколатли вакили бўлган юридик шахс;

махсус сертификат – масъул ваколатли ташкилотлар томонидан бериладиган, маҳсус серия рақамига эга, имтиҳон натижасини тасдиқловчи расмий ҳужжат;

верификация – ариза берувчи томонидан тақдим этилган маҳсус сертификатнинг ҳақиқийлигини масъул ваколатли ташкилотнинг электрон тизими орқали текшириш.

3. Имтиҳон бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қуидагилар иштирок этади:

а) давлат хизматлари марказлари ариза берувчи келиб мурожаат этганда унинг номидан сўровномани тўлдириб Ёшлар ишлари агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) юборади;

б) Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик):

махсус сертификатни верификациядан ўтказади ёки махсус сертификатнинг ҳақиқийлигини масъул ваколатли хорижий ташкилот орқали тасдиқлатиб олади;

ҳақиқийлиги тасдиқланган махсус сертификат эгаси бўлган ариза берувчиларнинг электрон реестрини шакллантиради, ушбу электрон реестрни ва унга мувофиқ компенсация маблағларини Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тиҷорат “Халқ банки”нинг (кейинги ўринларда – Халқ банки) ҳисобварагига ўтказади ва хизмат натижаси бўйича ариза берувчига СМС хабар юборади;

в) Халқ банки филиали ариза берувчининг компенсация пулинни олишга бўлган хуқуқини тасдиқлаган ҳолда унинг хоҳишига кўра ушбу компенсациянинг нақд ёки нақд пулсиз шаклда тўланишини амалга оширади.

Ариза берувчига СМС хабар юбориш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ва қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қопланади.

4. Давлат хизматлари марказлари, Ёшлар ишлари агентлиги ва Халқ банки (кейинги ўринларда – ваколатли органлар) ўртасидаги электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида ахборот алмашинуви Электрон хукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

5. Компенсация тўлаб бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

Бунда ариза берувчи исталган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига мурожаат қиласи ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда — ЯИДХП) давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

6. Ариза берувчининг мурожаатига асосан давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчининг номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса ариза берувчи мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ

давлат хизматидан фойдаланиш учун сўровномани электрон тарзда тўлдиради ва қуйидаги хужжатларни электрон тарзда илова қиласди:

а) имтиҳон топшириш харажати тўланганини тасдиқловчи тўлов квитанцияси (pdf форматда);

б) маҳсус сертификат (pdf форматда).

Ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумот ва хужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

Тақдим этилган хужжатлардаги маълумотларнинг хаққонийлигига ариза берувчи масъул ҳисобланади.

7. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этганда, давлат хизматлари марказлари томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўзининг электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда – ЭРИ) билан тасдиқлайди.

8. Сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

9. Давлат хизматини кўрсатиш бепул амалга оширилади.

10. Ариза берувчи томонидан сўровномада нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизмати кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

11. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш хуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади.

12. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этган тақдирда, унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг 10 дақиқа мобайнида, ЯИДХП орқали мурожаат этганда, автоматик тарзда Ёшлар ишлари агентлигига электрон шаклда юборилади.

13. Қуйидаги шартлар тўлиқ бажарилганда, ариза берувчига мазкур Регламентда назарда тутилган компенсация тўлаб берилади:

имтиҳонларнинг бири ёки бир нечтаси бўйича имтиҳон топшириш харажати компенсация қилиниши учун тўпланиши лозим бўлган юқори балл (даражаси)нинг минимал кўрсаткичи ёки ундан юқори натижага қайд этилганда;

максус сертификат берилган санадан бошлаб 180 календарь кун ўтмасдан компенсация тўлашни сўраб ушбу Регламентда белгиланган тартибда мурожаат қилганда;

максус сертификатда кўрсатилган имтиҳон натижасининг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тасдиқланганда.

14. ЯИДХПдаги электрон сўровномада тўлдирилган ариза берувчининг маълумотлари ушбу Регламентнинг 13-банди иккинчи-учинчи хатбошиларида белгиланган шартларга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги автоматик тарзда аникланади.

15. Мурожаат қилиш жараёнида ариза берувчи компенсацияни олиш учун ўзига қулай худуддаги Халқ банки филиалини танлайди.

16. Ёшлар ишлари агентлиги ариза берувчининг мурожаати **ЯИДХП** орқали тушган пайтдан бошлаб 15 календарь кун мобайнида максус сертификатни верификациядан ўтказади.

Агар максус сертификатнинг ҳақиқийлигини верификация орқали аниклашнинг имкони бўлмаса, Ёшлар ишлари агентлиги имтиҳон ташкил этишга масъул ваколатли ташкилотга максус сертификатнинг ҳақиқийлигини сўраб сўров юборади. Бунда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан юборилган сўровнинг электрон шакли (pdf форматда) идоралараро электрон тизимга жойлаштирилганда, максус сертификатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлатиш муддати 30 календарь кунга узайтирилади.

17. Қуйидаги ҳолатларда:

верификация ёки ваколатли хорижий ташкилотга юборилган сўров натижасига кўра максус сертификатнинг ҳақиқий эмаслиги аникланганда;

ваколатли хорижий ташкилотга юборилган сўровга жавоб олинмаганда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан максус сертификатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш рад этилади ва компенсация тўланмайди.

18. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан масъул ваколатли ташкилотга юборилган сўровга 30 кун муддатда жавоб олинмаганда, шунингдек, максус сертификатнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги ҳақида кечикиб жавоб олинганда, Ёшлар ишлари агентлиги бу ҳақда СМС юбориш орқали ариза берувчини хабардор қиласади.

Бунда максус сертификат ҳақиқийлиги масъул ваколатли ташкилот томонидан 30 кун муддат ўтиб тасдиқланганда, ариза берувчи мазкур Регламент талабларига мувофиқ такроран мурожаат этмасдан унга компенсация тўлаб берилади.

19. Муқаддам имтиҳонларнинг бир тури бўйича имтиҳон топшириш харажати компенсациясини олган ариза берувчига имтиҳонларнинг айнан шу тури бўйича такроран топширилган имтиҳон харажати қопланмайди.

Муқаддам имтиҳонларнинг бир тури бўйича имтиҳон топшириш харажати компенсациясини олган ариза берувчи имтиҳонларнинг бошқа тури бўйича минимал кўрсаткич ёки ундан юқори натижа қайд этса, унга ушбу Регламент талабларига мувофиқ компенсация тўлаб берилади.

20. Ўн олти ёшга тўлмаган фуқароларнинг имтиҳон топшириш харажатини компенсация қилишни сўраб ушбу фуқароларнинг қонуний вакиллари мурожаат қилишлари мумкин.

Бунда компенсация ушбу Регламент талабларига мувофиқ ўн олти ёшга тўлмаган фуқароларнинг қонуний вакилларига тўлаб берилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

21. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан молиялаштирилган санадан бошлаб 180 кун мобайнида Халқ банкининг тегишли филиалидан ариза берувчилар томонидан талаб қилиб олинмаган маблағлар Халқ банкининг тегишли филиали томонидан бундай ариза берувчиларнинг рўйхатини илова қилган ҳолда Ёшлар ишлари агентлигига қайтарилади.

22. Ваколатли органлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган ариза берувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши лозим.

23. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижросига масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан доимий мониторингни амалга оширади.

24. Ариза берувчи ушбу Регламент талаблари ижросига масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

25. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича
юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон
тошириш харажатларини тўлиқ қоплаб
беришнинг маъмурий регламентига
1-илова

Компенсация тўлаб бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-bosқич	Ариза берувчи	<p>Ариза берувчи (ўн олти ёшга тўлмаган шахснинг қонуний вакили томонидан мурожаат қилинади) исталган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига мурожаат этади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш (мустакил равишда сўровнома шаклини тўлдириш) учун рўйхатдан ўтиб мурожаат қолдиради.</p>	Махсус сертификат берилган санадан бошлаб 180 календарь кун мобайнида
2-bosқич	1) Давлат хизматлари маркази 2) ЯИДХП	<p>Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни Ёшлар ишлари агентлигига юборади.</p>	<p>1. 10 дақика ичидаги 2. Автоматик тарзда</p>
3-bosқич	Ёшлар ишлари агентлиги	<p>1. Махсус сертификатни верификациядан ўтказади. 2. Махсус сертификатнинг ҳақиқийлигини верификация орқали аниқлаш имкони бўлмаса, махсус сертификатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашни сўраб ваколатли хорижий ташкилотга сўров юборади. 3. Махсус сертификатнинг ҳақиқийлиги тасдиқланганда (қанча муддатда тасдиқланганидан катъи назар), махсус сертификат эгаси бўлган ариза берувчиларнинг электрон реестрини шакллантиради, ушбу электрон реестрга мувофиқ компенсация маблағларини Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тијорат “Халқ банки”нинг (кейинги ўринларда — Халқ банки) ҳисобварағига молиялаштиради ва хизмат натижаси бўйича ариза берувчига СМС хабар юборади. 4. Махсус сертификатнинг ҳақиқийлиги тасдиқланмагандага бу ҳақида идоралараро электрон тизимга маълумот киритади ва ариза берувчига СМС хабар юборади.</p>	<p>1. Маълумотлар тушганидан сўнг 15 кунда. 2. Маълумотлар тушганидан сўнг 30 кунда. 3. Махсус сертификатнинг ҳақиқийлиги тасдиқлангандан сўнг 15 кун мобайнида.</p> <p>4. Махсус сертификатнинг ҳақиқийлиги тасдиқланмагандага бир иш куни мобайнида.</p>

4-босқич

Халқ банки
филиали

Ариза берувчининг компенсация пулини олишга бўлган ҳуқукини
тасдиқлаган холда ушбу компенсация тўловини амалга оширади.

Хизмат натижаси бўйича ариза
берувчига СМС хабар
юборилгандан сўнг банкка
мурожаат қилингандা.

Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича
юқори балл (даражага) олган ёшларга имтиҳон
топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб беришнинг
маъмурӣ регламентига
2-илова

Компенсация олиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун СЎРОВНОМА

Ариза т/р	Қабул қилиш санаси	Қабул қилган шахс	Компенсация олиш учун Халқ банки филиали
-	-	-	-

I. Ариза берувчи ҳақида маълумот:

1.1. Ф.И.О.:	-
1.2. Туғилган санаси:	кун/ой/йил
1.3. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) (мавжуд бўлса):	-
1.4. Телефон рақами:	-
1.5. Электрон почта манзили:	-
1.6. Яшаш жойи:	Туман (шаҳар), вилоят, республика

II. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс ва унинг қонуний вакили ҳақидаги маълумотлар:

2.1.1. Ўн олти ёшга тўлмаган шахснинг Ф.И.О.:	-
2.1.2. Туғилган санаси:	йил/кун/ой
2.1.3. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома рақами:	
2.2.1. Боланинг қонуний вакили Ф.И.О.:	-
2.2.2. Шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР):	-
2.2.3. Телефон рақами:	-
2.2.4. Электрон почта манзили:	-
2.2.5. Яшаш жойи:	Туман (шаҳар), вилоят, республика

III. Имтиҳон ҳақидаги маълумотлар

3.1. Имтиҳон тури (танланади)	3.2. Имтиҳон топшириш харажати суммаси (имтиҳон турига қараб автоматик ҳисобланади)	3.3. Сертификат № -	3.4. Қайд этилган балл/даражага -
3.5. Сертификат нусхаси (илова қилинади)	3.6. Чек/шартнома нусхаси (илова қилинади)	3.7. Тест топширилган сана -	3.8. Масъул ваколатли ташкилот (имтиҳон олувчи марказ) коди/номи -

Вазирлар Махкамасининг
2021 йил “13” апрелдаги 209-сон қарорига
2-илова

**Имтиҳон топшириш харажати компенсация қилинадиган
халқаро имтиҳон тизимлари
РҮЙХАТИ**

T/p	Халқаро имтиҳон тизимларининг номи	Билиш даражаси аникланадиган хорижий тил	Умумий имтиҳон балли (даражаси)	Имтиҳон топшириш харажати компенсация қилиниши учун түпланиши лозим бўлган юқори баллнинг (даражанинг) минимал кўрсаткичи	Имтиҳон топшириш харажатини компенсация килувчи
2021 йил 1 майдан бошлаб имтиҳон топшириш харажати компенсация қилинадиган халқаро имтиҳон тизимлари					
1.	International English Language Testing System (IELTS)	Инглиз тили	1-9	7	Ёшлилар ишлари агентлиги
2.	Test of English as a Foreign Language internet Based Test (TOEFL) iBT	Инглиз тили	0-120	94	
3.	Graduate Management Admission Test (GMAT)	—	Verbal/Quantitative (200-800) Integrated reasoning (1-8) Analytical writing (0,5-6)	Имтиҳон натижалари (Verbal/Quantitative) бўйича нисбат кўрсаткичи (percentile) 75 ва ундан юқори бўлганда	
4.	Graduate Record Examinations (GRE)	—	Verbal (0-170) Quantitative (0-170) Writing (0,5-6)	Имтиҳон натижалариининг ҳар бири (Verbal, Quantitative, Writing) бўйича нисбат кўрсаткичи	

T/p	Халқаро имтиҳон тизимларининг номи	Билиш даражаси аниқланадиган хорижий тил	Умумий имтиҳон балли (даражаси)	Имтиҳон топшириш харажати компенсация қилиниши учун тўпланиши лозим бўлган юқори баллнинг (даражанинг) минимал кўрсаткичи	Имтиҳон топшириш харажатини компенсация қилувчи
				(percentile) 75 ва ундан юқори бўлганда	
5.	Scholastic Assessment Test (SAT)	—	400-1600	1200	
2022 йил 1 январдан бошлаб имтиҳон топшириш харажати компенсация қилинадиган халқаро имтиҳон тизимлари					
6.	Cambridge Assessment English (CAE, CPE, BEC)	Инглиз тили	A1-C1	C1 (CAE advanced, CPE proficiency, BEC higher)	Ёшлар ишлари агентлиги
7.	Test DAF	Немис тили	TDN 3-5	TDN 4	
8.	Goethe-Zertifikat	Немис тили	A1-C1	C1	
9.	DELF/DALF	Француз тили	DELF A1-DALF C2	DALF C1	
10.	Test de Connaissance du Français (TCF)	Француз тили	A1-C1	C1	
11.	DELE/SIELE	Испан тили	A1-C1	C1	
12.	CELI/CILS/AIL	Итальян тили	-	CELI 4, CILS Tre, DALI C1	
13.	Türkçe Yeterlik Sınavı (TYS)	Турк тили	A1-C1	C1 (71-88)	
14.	Test of Proficiency in Korean (TOPIK I-II)	Корейс тили	Level 1-6	Level 5 (190-229)	

T/p	Халқаро имтиҳон тизимларининг номи	Билиш даражаси аниқланадиган хорижий тил	Умумий имтиҳон балли (даражаси)	Имтиҳон топшириш харажати компенсация қилиниши учун тўпланиши лозим бўлган юқори баллнинг (даражанинг) минимал кўрсаткичи	Имтиҳон топшириш харажатини компенсация қилувчи
15.	Japanese-Language Proficiency Test (JLPT)	Япон тили	N5-N1	N2	
16.	Chinese Proficiency Test (HSK)	Хитой тили	HSK 1-6	HSK 5	
17.	ALPT/APT/E-TOAFL/ACTFL	Араб тили	A1-C1	C1	
18.	Test of Russian as a Foreign Language (TORFL/ ТРКИ)	Рус тили	A1-C1	ТРКИ III-IV (C1)	

